

АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДИГА ҲАДИСИ ШАРИФЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Ойгул Ҳамдамова ,

ТАТУ Фаргона филиали ассистент (Ўзбекистон)

Аннотация. мақолада Абдулла Ориповнинг ҳадиси шарифлар таъсирида юзага келган “Ҳаж дафтари – Ҳикмат садолари” тўпламининг услубий хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: ҳадислар, диний маданият, мазмун, Алишер Навоий, Жалолиддин Румий, Саид Аҳмад, шеърий нутқ, қиёслаш.

Барча мусулмон халқлари қатори халқимиз ҳаётида дин ва диний тушунчалар миллий маданиятимизнинг бир бўлаги сифатида муҳим ўрин тутди ва булар она тилимизда ўз ифодасини топади. Диний қарашлар нафақат бутун жамият ҳаётида, балки ҳар бир индивидуал шахс – инсон турмуш тарзида ҳам катта аҳамиятга эга. Шундай экан, бу мавзу бугунги ўзбек тилшунослиги олдида чуқур тадқиқ этилиши лозим бўлган асосий мавзулардан биридир, деб ҳисоблаймиз.

Мълумки, ҳадиси шарифларда ислом динининг йўл-йўриқлари билан биргаликда инсоний фазилатлар, яъни комилликка интилиш кенг тарғиб қилинади. “Ҳадис” ва “суннат” сўзлари муҳаддислар ўртасида бир маънода қўлланилиб, Жаноб пайғамбаримизнинг айтган сўзлари, феъл-атворлари, ахлоқлари, тақрирлари ва пайғамбарликка қадар бўлган ҳамда пайғамбарлик йилларидаги сийратларини, яъни ҳаёт йўлларини англатади¹. Бугунги кунимизда мустақил Ўзбекистонимиздан етишиб чиққан буюк муҳаддис олимларимизнинг бутун дунёга машҳурлиги сир эмас. Жумладан, Имом Исмоил ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазий, Имом ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Жамолиддун ан-Насафий, Ҳофиз ал-Хоразмий каби уламоларимизнинг номларини фахр билан айтиб ўтишимиз мумкин.

Шарқ адабиёти намояндалари ҳам ўз ижодида ҳадисларга жуда кўплаб мурожаат қилганлар. Масалан, мумтоз шоирларимиздан Жалолиддин Румий “Фихи мо фихи” (“Ичиндаги ичиндадур”) асарида ҳадис ва оятлардаги ўта мураккаб фалсафий қарашларни соддалаштирган, тушунтиришга ва моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган. Абдурахмон Жомийнинг “Чихил ҳадис”ини Алишер Навоий туркийзабонлар учун “Арбаин” (“Қирқ ҳадис”) номи остида етказиб берди. Замонавий адабиётимиз вакилларида Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Тоҳир Малик ва Абдулла Ориповларни ҳам мана шундай ижодкорлар сирасига киритиш мумкин.

Абдулла Орипов ижодида “Ҳаж дафтари – Ҳикмат садолари” тўплами алоҳида мавқега эга. Ушбу тўплам ҳадиси шарифларнинг кучли остиа яратилганлиги ҳақида китобнинг сўзбошисида шоирнинг ўзи шундай дейди:

¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, Ал-Жомий ас-саҳих, Қомуслар бош таҳририяти, Тошкент, 1991, 3- бет.

“Маккайи мукаррамага борганимнинг дастлабки кунда Каъбатуллоҳда – Оллоҳ уйи ёнида тунни бедор ўтказиб, тиловат билан бир қаторда байтлар ёза бошладим. Мен бу ҳолатга аввалдан бирмунча тайёр бўлганим сабаблими сатрларим ўз-ўзидан қуйилиб келавердилар. Шеърый ҳадисларимнинг барчаси пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом суҳанлари билан бевосита боғлиқ эди”².

Юқоридаги фикрлардан аён бўладикки, муаллифнинг ўзи “шеърый ҳадислар” атамасини қўллайди. Тўпламдаги айрим шеърларда ҳадисларнинг айнан шеърый баёни келтирилади, масалан, қуйидаги ҳадисни кўриб чиқайлик:

“Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Расулуллоҳ саллолоҳу алайҳи васаллам: “Бировни(курашиб) йиқитган полвон эмас, балки ғазабланган вақтида жаҳлини ютган одам полвондир!” – дедилар”(“Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”дан)³

Бу ҳадис мазмуни шоир сатрларида шундай ифодаланади :

Бир суҳбат чоғида Ҳазрат Пайгамбар

Ўртага ташлади савол ногаҳон.

Айтдилар: – Зарурат тугилса магар

Кимни атардингиз асл паҳлавон?

Саҳобалар деди: – Ҳар ким доимо

Чекига тушгандир келгандир олиб

Кураш майдонига чиққанда аммо

Паҳлавон аталгай ким бўлса голиб.

Расулуллоҳ деди: – Кўхнадир жаҳон

Турфа хил куч-қудрат бордир оламда.

Лекин ўз жаҳлини енголган инсон

Ҳақиқий паҳлавон эрур оламда.

Бундан кўриниб турибдики, шеърнинг сўнгги икки мисрасига ҳадиснинг асл мазмуни сингдириляпти ва қолган мисраларга ҳам шоирнинг ўз ҳис-туйғулари, муносабати қўшилмаган. Шунингдек, “Рўза”, “Билол ҳабаш”, “Шамол” каби шеърларида ҳам ҳадиснинг асл маъзини сўнгги икки мисрада акс эттирган. Аммо қуйидаги “Она” шеърида муаллиф ҳадис мазмуни билан биргаликда ўзининг шахсий туйғуларини ҳам ифодалайди:

Кимдир савол берди: – Айтгил, Муҳаммад,

Ёлғиз сен Расулсан буткул оламга.

Кимга кўп яхшилик айлай, ўзинг айт,

Ота-онамгами ёхуд боламга?

Расул жавоб қилди: – Тингла, биродар,

Гапимни уч бора қулоққа илгил.

Имкон топа олсанг дунёда агар

Энг аввал онанга яхшилик қилгил.

² А.Орипов, Ҳаж дафтари-Ҳикмат садолари.library.ziyounet.uz/

³ Аҳмедов С, Қосимов Б., Кўчқоров Р, Ризаев Ш.. Адабиёт, 5-синф учун дарслик.-Тошкент:Шарқ,2020.

*Бу ҳикмат шарҳини ўйладим узоқ
Ростдан она эрур қиблаи олам,
Гарчи барчамиз ҳам падармиз, бироқ
Онадан тугилган пайгамбарлар ҳам.*

“Ибрат” ва “Ойиша” каби шеърларида ҳам шоир айнан ҳадиснинг ўзини келтирмайди. Пайгамбар (с.а.в.) ва Ойша(р.а.)га ўзининг чексиз ҳурмати, муҳаббати ва алқовини ифода этади. Шунингдек, айрим ҳадисларнинг мазмунини шеърини матнга тўлиғича сингдириб юборади, яъни ҳадиснинг айнан ўзини келтирмайди.

Абдулла Ориповнинг лирикасига хос маъюслик, ҳисларнинг дардли, содда инсоний тушунчаларда ифодаланиши “Ҳаж дафтарида” ҳам яққол сезилади. Тўпламнинг илк шеъри “Каъбатуллоҳ”га назар солайлик:

*Хануз бири икки бўлмаган элдан
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.
Бағри хун толеи кулмаган элдан
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.*

Шоир бунда фақат ўзининг исломий амалини бажариш учунгина эмас, балки бутун бир халқнинг дардини кўтариб, элнинг гуноҳларини кечиришини ва уларга мадад беришини сўраб ёлборади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Абдулла Орипов ижодига ҳадитси шарифларнинг таъсири катта бўлган ва шоир ўзбек миллати ҳаётида муҳим ўрин тутадиган ҳадиси шарифлар мазмунини шеърга солди. Бу билан уларни янада халққа яқинроқ қилди, ўқувчиларга содда, равон тарзда етказишга ҳаракат қилди ва ўз мақсадига эришди ҳам. Шу билан бирга унутилиб бораётган мумтоз шеърини анъанани – “арбаин”ликни давом эттирди. Бугунги кунимизда комил, маънавий соғлом инсонларни вояга етказиш масаласи кўндаланг турар экан, Абдулла Орипов адабий меросини ислом динининг таъсири нуқтаи назаридан ҳам чуқурроқ ўрганишимиз, таҳлил этишимиз, тегишли хулосалар чиқаришимиз лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ, Қомуслар бош таҳририяти, Тошкент, 1991.
2. Аҳмедов С, Қосимов Б., Қўчқоров Р, Ризаев Ш.. Адабиёт, 5-синф учун дарслик.-Тошкент:Шарқ, 2020.
3. А.Орипов, Ҳаж дафтари-Ҳикмат садолари.library.ziyonet.uz/